

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

426 Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1402-1*

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 18 августдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 1402, 2004 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 36-сон, 402-модда) билан тасдиқланган Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
37-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.